

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2016 йил 26 февраль • № 8 (1081)

## Муносабат

### БАҒРИКЕНГЛИК, ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК АЙЁМИ

Шу кунларда атрофда ажиб манзаралар барқ уриб, табиат уйғонмоқда. Баҳор ҳавосидан қалбларга тароват, илиқлик югурмоқда. Янгиланиш, яшариш фасли бошланди. Шукуҳли кунларда ҳар бир юртдошимизнинг қалби Наврўз – умумхалқ байрамини кенг нишонлашдек эзгу ниятга тўлиб-тошади.

Асрлар тарихига эга бу байрам томошаларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналаримиз, турфа маросимлар намойиш этилади, қайта тикланиб, янгича тус олади. Шу тариқа миллий меросларимиз авлодлар қалбига синга боради. Наврўз байрамининг қадим тарихи, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ жиҳатлари, маданий-маърифий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида Юртбошимиз жорий йилнинг 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан ҳам алоҳида эътибор қаратиб ўтганлар. Шу муносабат билан бугун юртимизда ушбу байрамни муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мазкур жабҳада мустақиллик арафасида, ҳали собиқ иттифоқ ҳуқуқрон бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан маданий-маърифий, умуман, маънавий ҳаётимизда туб бурилиш ясаган муҳим бир тарихий ҳужжат имзоланганлигини бугун қувонч билан эслаймиз. Бу – Президентимизнинг 1990 йил 3 майдagi Фармони асосида 21 март – юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш кунини, деб эълон қилинганлиги бўлди. Наврўз ҳақидаги мазкур Фармон бу кунни эркин, умумхалқ

(Давоми 2-бетда).



## Бирламчи бўгин фаолияти

### ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАР ХОНАДОНЛАР БЎЙЛАБ...



Муҳайё опанинг келини Гулчеҳраҳон яна қон босимидан шикоят қилиб қолди. Катта келини Барноҳон кичкинтой Оминаҳонни қайнонасига тутқазиб, дарҳол «тез тиббий ёрдамга» кўнғироқ қилишга шайланди. «Ҳой-ҳой келинжон, дарров тез ёрдамга шошилмасдан, аввал ўзимизнинг маҳалла ҳамшираларини чақиринг. Нимаиди-я... Ҳа-а, патронаж ҳамшираларимизга кўнғироқ қилинг. Ахир, улар ҳар биримизнинг соғлигимиз тўғрисида доимий қайғуради, оила аъзоларимизнинг саломатлиги тўғрисида чуқур маълумотга эга-ку...».

– 42-оилавий поликлиника-мизга мурожаат қилиб келаётган фуқароларимиздан юқоридаги эътирофларни эшитиб, ишларимиз бесамар кетмаётганлигига амин бўламан. Ҳа, вақт ўтгани сайин одамларимизнинг соғлом турмуш тарзи ва соғлом фикрлашга бўлган иштиёқи ортиб бормоқда. Ҳар томонлама соғлом оилани вужудга келтиришда биз тиббиёт ходимлари уларнинг ёрдамлари ва интилишларисиз ҳеч нарсага эришолмаймиз. Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Соғлом она ва бола йили» дея номланиши замирида соғлом оила, қолаверса маънан ва жисмонан баркамол фарзандларимизнинг келажак

ҳаёти мужассамлигини кўраимиз. Давлат дастури қабул қилинганидан сўнг жамоамиз ходимлари маҳаллаларга чиқиб, аҳоли орасида дастурнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Поликлиникамиз ҳудудида бешта маҳалла жойлашган бўлиб, 23700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 10 нафар умумий амалиёт шифокори ҳамда 40 нафарга яқин ҳамшира (шулардан 24 нафари патронаж ҳамшираси) сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифо масканимизда аҳоли учун барча шароит ва имкониятлар

(Давоми 3-бетда).

### «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилади

Ҳар йилги анъанага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 25 февралдаги 88-сонли буйруғига асосан, **жорий йилнинг 29 февралдан 5 мартга қадар** республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли «**Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!**» шиори остида малакали мутахассислар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

### 1 мартдан 1 апрелга қадар «Патронаж ойлиги» бўлиб ўтади

Соғлом она ва бола йилида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириш, фертиль ёшдаги аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли, айниқса, кекса ёшдаги фуқаролар, ўзгалар парваришига муҳтож, ногиронларга кўрсатилаётган тиббий санитария ва реабилитация тадбирлари сифат ва самарадорлигини ошириш, диспансер назоратидаги, сурункали касаллиги бор беморларнинг динамик кузатувларини амалга ошириш ҳамда аҳоли орасида касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирликнинг 2016 йил 22 февралдаги 86-сонли буйруғига асосан **жорий йилнинг 1 мартдан 1 апрелига қадар** республикамиз даволаш-профилактика муассасаларида «Патронаж ойлиги» ўтказилади.

## Муносабат

## БАҒРИКЕНГЛИК, ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК АЙЁМИ

байрами сифатида нишонлаш имконини яратди.

Наврўз жуда қадимий байрам саналади. Мутахассисларнинг фикрича, бу байрамнинг тарихи қарийб 4-4,5 минг йиллик, деган тахминлар мавжуд. Бунга муайян асослар ҳам бор. Х аср тарихчиси Абу Бакр Наршахий "Бухоро тарихи" китобида Сиёвш ҳақида кўшиқлар тўғрисида сўзлар экан, бунга 3 минг йиллар бўлган, деган фикрни билдиради.

Наврўз асосан, баҳорий тенг кунлик 21-22 мартдан бошлаб нишонланган ва бир ҳафта, ўн кун, ҳатто, баъзи жойларда бир ойгача давом этган байрам. Наврўз – бу деҳқон, чўпон, хунарманд, кўйингики, ҳаммамизнинг ҳақиқий умумхалқ байрамимиздир. Унинг асосий қисми томоша ҳисобланади. Бизда қадимдан "Майдон томошаси" деган тушунча бор. Яъни, махсус тайёрланган сахналарда эмас, далаларда қизиқчилар, халқ театри вакиллари, дорбозлар, аскиячилар, халқ ансамбллари чиқишлари бўлганки, бунга "Майдон томошаси" деб таъриф беришган. Ана шундай кенг майдон

(Давоми. Боши 1-бетда).

томошаларидаги қадимий урф-одатлар, ҳаракатлар Наврўз байрамини нишонлаш муносабати билан тикланди. Масалан, халқимизда қадимдан ковуш рақси бўлган. Шу рақс қайсидир бир қишлоқларимизда сақланиб қолган экан ва бугунги кунда Наврўз байрами дастурига киритилди. Бу каби қайта тикланган кўшиқлар, рақслар, лапарлар жуда кўп. Ва шу муносабат билан мамлакатимизда фольклор-этнографик ансамбллар кенг қулоч ёйди. Ҳозирда нафақат ҳар бир вилоятда, балки ҳар бир туманда, қишлоқларимизда ҳам фольклор-этнографик ансамбллар мавжуд. Уларнинг репертуарида асосан, Наврўз билан боғлиқ урф-одатлар, кўшиқ ва лапарлар ўзининг сахнавий талқинини топмоқда. Биргина мисол – келин салом. Саҳнада сиз кўргангиз келинсалом реал ҳаётда, турмушдаги келинсаломдан фарқланади. Демак, турмушда бўладиган келинсаломнинг сахнавий талқини яратилган. Бу сахнавий кўринишларда ўша анъаналардаги асосий ҳолатлар сақланиб қолди. Булар сирасига кўш ҳайдашда, хирмон совуришда, хунармандчиликда айтиладиган ўнлаб халқ кўшиқларини киритиш мумкин. Улар

барчаси Наврўз байрамига боғлиқ ҳолда ижро этилмоқда. Бу маданий ҳаётимиздаги улкан воқеалардан ҳисобланади. Наврўз байрами ҳақида турли қадимий манбаларда баъзи маълумотлар сақланиб қолган. Агар биз адабиётимиз тарихига назар ташласак, Наврўз ҳақидаги биринчи газални XIV аср шоири Рабғузий ёзганлигига гувоҳ бўламиз. Ва бу ўзбек адабиётидаги илк газал ҳисобланади. Наврўз, бойчечак ҳақидаги XX аср ўзбек адабиётида биринчи шеърни Чўлпон ёзган.

2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданият мероси рўйхатига киритилди. Бу фахрли ҳодиса юртимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маданий-маърифий меросига қаратилаётган юксак эътибор нишонасидир. Бугун байрам арафасида маҳаллаларда кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўча ва гузарлар, меҳнат жамоалари, таълим муассасалари худудлари, қабристонлар ободонлаштирилиб, ариқ-зовурлар тозаланиб, дарахтларга шакл берилмоқда. Президентимизнинг 19 февралдаги Қарорида ҳам халқимизнинг эзгу ва

гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аجدодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолганлиги таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан унда бир қатор вазибалар белгиланган. Ташкилий кўмита томонидан Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий амалий, маданий-маънавий тadbирлар режасини ишлаб чиқиш, маънавий-маърифий тadbирларни уюштириш, барча шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтайдиган тadbирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш, меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар,

табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирларини амалга ошириш, маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва кўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш каби қатор вазибалар белгиландики, бу Наврўз айёмини элимизда ободлик, тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳиллик, барикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрам сифатида асрлар оша давом этиб келишидан далолат беради.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизнинг барча худудларида халқимиз кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишонч билан баҳорни, Наврўзи оламини кутиб олмақда.

Намоз ТОЛИПОВ.

## Ташаккурнома

## ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА!



Ўн беш йилдан буён қандли диабет ва сурункали бронхит касаллиги билан оғриб келаётган бир пайтимда сил хасталиги ҳам қўшилди. Охириги уч йил давомида дардимга даво тополмай кўп қийналдим. Шифокорларнинг тавсияси билан Республика

ихтисослаштирилган хирургия маркази мутахассисларига мурожаат қилдим. Марказ директори, профессор Феруз Назиров мени илиқлик билан кутиб олди. Текширувлардан сўнг ўпка ва кўкс ораллиги хирургияси бўлимига ўтказишди. Даво муолажаларидан сўнг тезда

операция қилиш зарурлигини айтишди. Ниҳоят, бўлим бошлиғи Шухрат Худойбергенов бошчилигида мураккаб операция жараёни муваффақиятли амалга оширилди. Менинг ҳаётимни сақлаб қолган меҳрибон ва ғамхўр шифокорларимдан Ортиқали Ирисов,

Эъзозбек Ризаев, Миразиз Миролимов, Отабек Жўраев, Георгий Пахомовлар ҳамда бири-бирдан чаққон ва хушмуомала ҳамширалар, оёққа туришимда ўз меҳнатларини аямаган кичик тиббиёт ходимларидан бир умр миннатдорман. Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори Феруз Назиров, бўлим бошлиғи Шухрат Худойбергенов ва унинг жамоасидан мамнунлигимни изҳор қилиб, уларнинг машаққатли меҳнатларини эътироф этаётганимдан мамнунман. Сиздек нажоткор инсонларнинг борлиги бу халқимизнинг бахти. Қўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин.

**Шунингдек, Наманган вилояти Поп шаҳрида жойлашган «Парда Турсун» санаторийси** бош врачлари Орифжон Жумаев ҳамда унинг аҳил жамоасига ҳам чин дилимдан ташаккур билдираман. Соғлом муҳит барқарор бўлган ушбу шифо масканида фаолият юритаётган Мақсудбек Норалиев, Абдумутал Рихсиев ва бир қанча ходимларга дил изҳоримни йўллайман. Чунки улар саломатлигимни тиклашда билим ва тажрибаларини, қолаверса, ширин сўзларини аямалар. Жонқуяр, ўз касбига са-

доқатли инсонларнинг яхшиликлари бир умр қалбимизга муҳрланади.

**Даволанишим давомида Наманган вилоятининг «Пахталикўл» санаторийсида ҳам бўлдим.** У ерда даволанувчилар учун яратиб берилган имкониятлар жуда кенг. Айниқса, муомала маданияти, малакаси ҳамда гам-хўрлиги билан дардимга даво айлаган санаторий бош шифокори Тоҳир Турдиев ҳамда ходимлардан Шарифахон Абдурахмонова, Зафар Турғунов, Эркин Қосимов, Ўктамхон Набиева, Маъмурахон Мўминова, Малика Раҳимова, Саодат Абдуллаева, Муассархон Бойдадаева, Эътиборхон Абдуллаева, Матлуба Акбарова, Шаҳзода Парпиева, Рислихон Юлдузхонова, Ойшахонлар хизматидан хурсандлигимнинг чеки йўқ. Ўз касбини жон дилдан севиб, бемор қалбларга нажот бахш этаётган азиз шифокорларимни кириб келаётган баҳор айёми билан табриклайман. Уларга узоқ умр, сихат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

Мамлакатхон НАЗАРОВА,  
Андижон вилояти.

**Навоий вилояти Кармана туман тиббиёт бирлашмасининг биринчи терапия бўлимига кириб борар эканман, у ердаги шароитлар, беморлар учун яратилган кенг имкониятлар, шунингдек, бўлим биносининг янгича қиёфа касб этганлиги мени лол қолдирди.**

Мазкур бўлимда опам Хадича Қувнова даво муолажаларини олаётган эдилар. У ердаги тиббиёт ходимларининг муомаласи, кийиниш маданиятидан кўришиб турибдики, жамоада соғлом

## ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

муҳит барқарор. Сухбатимиз асносида опам бўлим мудирини Жамшид Мардоновнинг ёш бўлишига қарамасдан ташаббускор, талабчан, қолаверса, ўз касбига меҳр қўйган етук мутахассис эканлигини мамнуният билан таъкидладилар. Шунингдек, шинам ва ёруғ палаталардаги тоза ва озода чойшаблар, замонавий жихозлар ҳамда чақирув кўнғироқларининг мавжудлиги диққатга моликдир. Айниқса, опам бири-

бирдан чаққон, меҳрибон ҳамширалардан Хилола Раҳимова, Дилноза Йўлдошева, Зилола Бозорова, Нилуфар Рўзиёева, Зулфия Мустафоева, Насиба Шароповларнинг меҳнатидан гоят хурсанд эканликларини эътироф этдилар.

Малакали шифокор Жамшид Мардоновнинг айтишига қараганда, мазкур бўлим 2015 йилда Инвестиция дастурига асосан қайта таъмирдан чиқарилган экан. Шу

ўринда айтишим муҳимки, бугунги кунда республикамизнинг қайси бир шифо масканида бўлмайдик, замон талаблари даражасида кўркам қиёфа кашф этаётган тиббиёт муассасаларини кўриб, қалбимиз кувнайди. Халқимиз саломатлиги учун бу каби кенг имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимизга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Навоий вилояти аҳли номидан дил ташаккуримизни изҳор этамиз.

Мастура ПЎЛТОВА,  
Кармана тумани.

## Бирламчи бўгин фаолияти

ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАР  
ХОНАДОНЛАР БЎЙЛАБ...

яратилган. Ҳар бир маҳалла учун алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, уларда умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалари фаолият олиб боришади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамкорлигида поликлиникамизга берилган тиббий асбоб-ускуналар бугунги кунда аҳоли саломатлигини

кириб келаётган бу ҳамшираларни маҳалла аҳли жуда яхши танишади. Туғруқхонадан куни кеча чиққан чақалоқдан тортиб, барча оила аъзоларининг саломатлиги учун масъул бўлган чақон ва қўли энгил патронаж ҳамширалар хизматидан ниҳоятда мамнунмиз. Айниқса, хонадонимизга тез-тез келиб, саломатлигимизни назорат қилаётган ва керакли тавсияларни маслаҳатларни аямайдиغان

бандида патронаж ҳамширалари меҳнатини рейтинг баҳолаш бўйича ҳамда 2015 йил 1 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 350-сонли қарорлари билан танишиб чиқар эканман, бу албатта юртимиздаги барча ҳамширалар фаолиятига қаратилган эътибор натижаси, деб биламан.

Дарҳақиқат, "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан патронаж ҳамшираларимизга янги хизмат сумкалари берилганига анча вақт бўлди. Патронаж сумкасига жойланган ҳар бир асбобнинг ўз вазифаси бор. Авваллари ҳамшираларимиз ишлатиш мумкин бўлмаган баъзи асбоблар ҳам ушбу сумкадан жой олган. Масалан, стетоскоп асбобида ҳомиладор аёл қорнидаги гўдакнинг юрак ўришини эшитиш, шунингдек, тонометр, термометр, сантиметрли лента ва яна бир қанча янги асбобларнинг мавжудлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Умуман, патронаж ҳамшираси айна пайтда хонадонлар сари отланганида ўз билим ва тажрибасини янгитдан синовдан ўтказишади. Бемор учун зарур бўлган барча қўшимча маълумотларни шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда тавсия этади. Ҳаттич уч йилдан буён шу поликлиникада ишлаб келяпман. Айтишим муҳимки, ўтган йиллар билан ҳозирги давр имкониятлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу албатта, истиқлолимиз шарофатидан. Айниқса, оилавий поликлиникаларни қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига жиддий ёндашилаётганлиги, ҳар бир бўлим замонавий аппаратура ва жиҳозлар билан таъминланаётганлиги биз каби тиббиёт ходимларига кўтаринки кайфият ва шижоат бағишламоқда. Етарлича шароит яратилган масканда инсон бор меҳру муҳаббати билан ишлашга ҳаракат қилади, — дейди бош ҳамшира **Мастура Султонова**.

— Мазкур поликлиникада фаолият юрита бошлаганимга эндигина олти ой бўлди. Бизга "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан ажратилган патронаж сумкаларини қабул қилиб олар эканмиз, зиммамизга юклатилган масъулият ҳиссини чуқурроқ англаган ҳолда хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Поликлиникамизда ҳафтанинг ҳар бир куни ўзига хос ном билан юритилади. Душанба нуронийлар,

сешанба ҳомиладорлар, чоршанба болалар ва ўсмирлар, пайшанба — хонадон, жума аёллар ва қизлар саломатлиги, шанба эса ўқув муассасалари ва спорт куни деб белгиланган. Ҳар куни 3 соат поликлиникада, 3 соат эса маҳаллада ишлаймиз. Ҳар бир хонадонда истиқомат қилувчи фуқароларнинг саломатлиги борасида керакли тавсияларни

оилавий поликлиникаларни кўриб ҳайратингиз ошади. Ушбу имкониятлар ҳамда шароитларга кўра, малака ва тажрибалари ошиб бораётган тиббиёт ходимлари эса куну тун эл хизматида... Оилавий поликлиникамиз ҳам 2016 йилда Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.



мустақамлашда катта аҳамият касб этмоқда. Келинг, яхши поликлиникамизда фаолият олиб бораётган патронаж ҳамширалар ҳамда уларнинг меҳнатларидан баҳраманд бўлаётган ҳудудимиз аҳолисининг

патронаж ҳамшираларидан Нодира Трапова, Соҳиба Азизоваларнинг илиқ муомаласи, билим ва тажрибаси ҳамда сифатли муолажалари туфайли оила аъзоларимиз соғлиги тикланиб бормоқда, — дейди **Турккўргон кўчаси**,



берар эканмиз, отахон ва она-хонларимиз кўп ҳолларда тўғри овқатланиш билан боғлиқ саволлар билан мурожаат қилишса, ёш оналар эса чақалоқлардаги турли ўзгаришлар билан боғлиқ саволларни беришади. Ҳар бир са-

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида жорий этилаётган ҳар бир янгиллик ва ўзгариш аввало, инсон саломатлиги ҳамда соғлом авлод келажаги манфатларини кўзлайди. Бу саяҳаракатлар албатта, Соғлом



фиқрларига эътибор қаратайлик.

— Шунингдек, айтишим лозимки, илгари патронаж ҳамширалар ҳақида тиббиёт ходимларининг ўзлари билардилар, холос. Ҳозирги пайтда эса елкасига махсус сумкаларини осиб жиламайбгина хонадонларимизга (Давоми. Боши 1-бетда).

**57-уйда истиқомат қилувчи хонадон бекаси Муҳайё Алимжонова.**

— Таъкидлашим муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 50-сонли қарорининг 4-



волга жиддий ёндашиб, уларнинг соғлигини текшириш чоғида соғлом турмуш тарзига бўлган эътибори ошиб бораётганидан қувонамиз, — дейди **ёш ҳамшира Лайло Носирова**.

Айни пайтда мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, бирин-кетин қад ростлаётган замонавий тиббиёт марказлари ва

она ва бола йилида ўз самарасини бериши шубҳасиздир. **Муножат АБДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 42-оилавий поликлиника бош шифокори.** **Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.**

## Тезкор, самарали муолажа

**Марғилон шаҳридаги Мустақиллик кўчасида жойлашган 1-оилавий поликлиникага ультратовуш аппарати, юрак, жигар, буйрак ва бошқа ички касалликларни аниқлашда қўлланиладиган замонавий ускуна ҳамда жиҳозлар келтирилди. Бу эса хасталикларга аниқ ва тезкор ташхис қўйиш баробарида беморларни самарали даволашда янги имкониятларни яратди.**

— Поликлиникамиз 350 қатновга мўлжалланган, — дейди **бош шифокор, олий тоифали врач Валижон Маллабоев**. — 64 миллион сўмликдан зиёд реконструкция ишларидан сўнг муассасамиз янада чирой очиб, диагностика маркази, лаборатория ва физиотерапия

бўлимларига эга бўлди. Уларда ўрнатилган ускуна ва жиҳозлар ҳудудимиздаги "Ипак йўли", "Тут таги", "Тоғлик", "Ёвқочар", "Узумзор", "Ариқ бўйи", "Яйилма", "Пичоқчи" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 32 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имконини беради. Жорий йилда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида бу ерга янги рентген қурилмаси (флюорография) бош мия ҳамда кўкрак қафаси касалликларини аниқловчи замонавий тиббий жиҳозлар келтирилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда шаҳарда 7 та оилавий поликлиника фаолият юритмоқда.

**Муҳаммадjon МАХМУДОВ, Марғилон шаҳри.**

## Она ва бола саломатлиги доимий назоратда

**Жиззах вилоят она ва бола скрининг маркази 50 қатновга мўлжалланган бўлиб, бу ерда маслаҳат, тиббий генетик маслаҳат ва тиббий генетик лаборатория бўлимлари ишлаб турибди.**

Малакали шифокорлар ҳомиладор аёлларни мутахассис кўригидан ўтказиш, ҳомиланинг ривожланишини мунтазам кузатиб бориш, чақалоқларни белгиланган муддатда скрининг текширувидан ўтказиш тадбирларини сифатли амалга оширмоқда. 2015 йилда марказ томонидан 63 минг 261 нафар туғруқ ёшидаги аёллар ва болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатилди.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан муассасада ишлаб чиқилган ички дастурга мувофиқ, ҳар ойда марказнинг малакали мутахассислари аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, туғма, ирсий касалликларнинг олдини олиш мавзуларида тушунтириш ишларини олиб боришади.



## Анжуман

## СОҒЛОМ АЁЛ — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

**Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлгуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти билан биргаликда ташкил этилган "Соғлом аёл — миллат гурури" республика илмий-амалий конференциясида хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутасаддилари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти профессор-ўқитувчилари, мураббийлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, спортчи қизлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л. Тўйчиев, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти проректори Н. Фафоров, Ўзбекистон хотин-қизларнинг "Олима" уюшмаси раиси Р. Муртазоева ва бошқалар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларни спортга кенг жалб этиш соғлом авлод тар-

биясида муҳим восита эканини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт комплекслари, сузиш ҳавзалари бунёд этилгани, уларда мураббиялар фаолият юритаётгани қизлар ўртасида спортнинг омалашшида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда 44,7 фоизи спорт билан шуғулланмоқда.

Спорт қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг дунёқарабини кенгайтириб, тиббий маданиятини юксалтирмоқда. Машғулотларда тобланган қизлар оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини теран англаб, соғлом ва бахтли турмуш кўрмоқда.

Кўплаб қизлар профессионал спортчи бўлиб, мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда улкан натижаларга эришмоқда. 38 нафар қиз спортдаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлгани аёллар спортга қаратилаётган эътибор намунаси.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб

чиқиш, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси турли соғломлаштириш акциялари, мусобақалар, турнирлар, маърифий тадбирлар ўтказиш орқали жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланишни хотин-қизларнинг кундалик ҳаёт тарзига айлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Ҳудудларда бугунги кунда 80 дан ортиқ спорт федерацияси ва ассоциацияси фаолият кўрсатиб, уларнинг 14 таси бадий гимнастика федерациясидир. 2015 йилда маҳалла фаоллари ва уй беклари ўртасида ўтказилган "Гимнастика барча учун" спорт фестивалида 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган аёллар фаол қатнашган бўлса, "Отам, онам ва мен — спортчи оила" мусобақаларида 62 мингдан ортиқ оила иштирок этди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказилаётган "Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи. Мустақиллик йилларида хотин-қизлар спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётган эътибор намунаси." мавзусидаги анъанавий анжуманда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, мураббиялар тайёрлаш, айниқса, чекка ҳудудларда спорт мураббияларини етказишнинг янги истиқболлари белгиланмоқда.

— Ўзбекистонда спорт ривож-



га, айниқса, хотин-қизлар ўртасида спортни омалаштиришга катта эътибор қаратилаётгани кувонарли, — дейди **германиялик спорт мураббияси Моника Стааб**. — Ўзбекистон қизлари халқаро мусобақаларда юксак галабаларга эришмоқда. Бундан ўрнак олса арзийди.

— Таълим масканимизда 4 минг 200 дан ортиқ қиз ўқийди, — дейди **Наманган Давлат университети хотин-қизлар кўмитаси раиси Хуринисо Усмонова**. — Улар университетимиздаги спорт секцияларидан ташқари, Наманган шаҳридаги сузиш ҳавзаларига мунтазам қатнайдилар. Бу уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишида катта

аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти билан биргаликда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, жойларда спорт турлари бўйича эҳтиёжни пухта ўрганиш, машғулотлар жараёнига педагогик технологияларни кенг татбиқ этиш, қизлар учун спорт машғулотлари дастурини қайта кўриб чиқиш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

ЎЗА.

## Касаба уюшмалари фаолиятдан

## ҲАР БИР ХОДИМ УЧУН ҒАМХЎРЛИК

**Эътироф билан айтиш жоизки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, давлатимиз томонидан ҳар бир соҳага катта эътибор қаратилиб, мамлакатимизда туб ўзгаришлар рўй берди. Бунинг натижасида инсон манфаатлари ва турмуш фаровонлиги йўлидаги эзгу ишлар ўз маҳсулини бериб келаятганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Барча соҳаларда бўлгани каби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тизимида ҳам ижобий ишлар амалга оширилиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатларини кўллаб-қувватлаш борасида изчил фаолият юритиб келинмоқда.**

Айниқса, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси ҳамда унинг тармоқлари томонидан юртимиз тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган соҳа мутахассислари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги кувонарлидир. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг бошланғич касаба уюшма ташкилоти 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, айни кунда унинг таркибиде 973 нафар уюшма аъзоси бор. Касаба уюшма ташкилотининг асосий вазифаси ходимларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, Қонун устуворлигига эришиш ҳамда ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Ташкилотимиз томонидан 2015 йилда 2013-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида кўзда тутилган кўшимча имтиёзлар ҳисобига клиникада меҳнат қилаётган кам таъминланган оилалар ҳамда ногирон болани тарбиялаётган оналарга, 65 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кутлуғ ёшлари муносабати билан 10

нафар ходимга мукофот пули ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Бундан ташқари, иш берувчи томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ нафақалари ўз вақтида тўлаб берилди. Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрами арафасида меҳнат фахрийлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Олти нафар пенсия ёшига етган ходим мукофот пули билан рағбатлантирилган бўлса, 46 нафар нафақадаги ва нафақа ёшидаги ишловчи ходимлар ҳамда 37 нафар фертил ёшдаги аёллар стационар шароитида бепул даволандилар. Бундан ташқари, 2015 йил мобайнида ижтимоий сугурта маблағларидан 16 нафар касаба уюшма аъзолари турли санаторийларда соғломлаштирилди. Кам таъминланган 2 нафар аёл "Умид гулшани" санаторийсида бепул даво муолажалари олишди. Ёзги мавсумда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида ҳамкасбларимизнинг 16 нафар фарзанди дам олиб қайтди. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими Ўзбеки-

стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 276-сонли қарори асосида амалга оширилди. Ўз фаолияти давомида самарали меҳнат қилган, шунингдек, республикаимизда белгиланган байрамлар эътиборга олиниб, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда 647 нафар ходим моддий рағбатлантирилди. Ҳисобот йилида клиника ходимларига устама меҳнат ҳақлари ҳам тўланди. Касб малакасини ошириш, хизмат сафариде бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш вақтида ишдан озод этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинди. Ходимларимизнинг маданий ва маърифий савияларини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда анъана бўлиб келаятган ҳар бир байрам тадбири клиникаимизда кўтаринки кайфиятда ўтказиб келинади. Тадбирларда шифо масканимизда кўп йиллар давомида фидойи меҳнат қилган ҳамда кўрик-танловларда фаол иштирок этган ёшларимизга махсус диплом ва пул мукофотлари берилди. Уюшма аъзолари мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун пойтахтимиздаги театр ва санъат саройларига бепул чипталар берилиб, туризм ва спортни ривожлантириш мақсадида саёҳатларга ҳам жалб этилмоқда. Глобаллашиб бораётган даврда тиббиёт ходимларига ҳафтанинг жума куни маънавият соатлари ўтказиб келинаётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Янги йил байрами арафасида



уюшма аъзоларининг фарзандлари учун байрам кечаларига чипталар ажратилганлиги барчани кувонтирди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда спортга қаратилаётган катта эътибор туфайли ходимларимиз ҳам ўтказилаётган мусобақалар ва танловларда фахрли ўринларни эгаллашга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кафедралари ва клиникалари ходимлари ўртасида ўтказилган спорт байрамида "Эстафета" спорт тури бўйича 1-ўринни, "Дадам, ойим ва мен" эстафетаси бўйича 2-ўринни эгаллашди.

Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10

июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда 1089 нафар ходим клиника ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш долзарб масалалардан бири эканлигини ҳисобга олсак, квоталаштирилган иш ўринларига 46 нафар коллеж битирувчисининг ишга қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Жорий йилимизнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши замирида олам-олам маъно мужассамлашган бўлиб, бу миллатимиз генофондини яхшилашга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Шундай экан, Давлат дастурида белгилаб олинган вазифалар ҳар бир тиббиёт ходимини янада масъулият билан ишлашга ундайди. Жамоамиз билан ўз фаолиятимизга жиддий ёндашган ҳолда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда бор куч ва имкониятларимизни аямаймиз.

Жасур РИЗАЕВ,  
Тошкент тиббиёт академияси  
3-клиникаси бош шифокори.

Ойжамол ЭШОВА, касаба уюшмаси кўмитаси раиси.

## Шифокор нигоҳи

## ИХЛОСДАН ДАВОЛАНГАН ДАРД

**Она – буюк қалб соҳибаси. Унинг меҳр тафти кўшиги куйдиришга қодир. Ана шундай дилбанди учун жонини фидо айлайдиган Маҳмуда опа ҳам тақдир зарбаларига сабру қаноати ва иродасини қарши қўйиб, ўғли Асрорни тенгдошларидан кам қилмай вояга етказди. Унинг йиллар давомида чеккан азобли кунлари ортда қолиб, энди ҳаёт ташвишларидан қутулдим, ўғлимнинг бахтини кўраман, деганида онани тақдирнинг яна бир синови кутмоқда эди.**

“Жияним ўртоқларидан кам бўлмасин, дадам йўқ деб кўнгли ўксимасин”, деган ниятда Асрорнинг тоғаси туғилган кунда унга велосипед совға қилди. Қайси бола болаликнинг қувноқ шўхлигини хохламайди, дейсиз. Кунларнинг бирида Асрор онасининг олдига йиғлаб келди.

– Кел, болам, нега йиғлаясан. Сени ким хафа қилди? – она ташвишланиб ўғлига қаради.

– Ҳеч ким, – деди Асрор.  
– Унда нега йиғлаясан? – ўғлидан тайинли жавоб олмаган Маҳмуда онанинг шубҳа-гумонлари ортиб борарди.

– Йиқилиб тушдим, – деди кўзидаги ёшини артиб Асрор.  
– Бошингга ёмон тегмади-ми, болам, – деди унинг қаеридир оғриётганини кўрган она.

– Йўқ, қорним, ойи, қорним....

– Қани, қорнингни кўрайчи, – дея она безовталаниб, ўғлининг қорнини сийпалай бошлади.

– Йўқ... қорнимнинг пастки қисми оғриб кетяпти, – деди Асрор.

Маҳмуда опа ўғлининг аҳволдан астойдил хавотирга тушиб, уни шифохонага етаклади.

Ана шу воқеадан сўнг Асрор вилоят шифохоналаридан бирида даволанди. Лекин бутунлай соғайиб кетмади. Унга шифохонада буйрак-тош касаллиги тахисис қўйилиб, буюрилган муолажаларни олди. Аммо кутилган натижа чиқмади. Маҳмуда она бу ҳолат жуда ташвишга солар, фарзанднинг саломатлиги тикланмаётганлигидан дилбандига Оллоҳдан шифо тиларди. Шу боис, онаизор ҳар бир шифокордан нажот истаб, ўғлини такрор-такрор даволатишга ҳаракат қиларди. Шифокорлар болада ўзгариш бўлавермагач, Маҳмуда опага уни Республика урология марказида даволатишни

тавсия қилдилар.

Онаизорга шифокорнинг биргина сўзи ҳам нажот бағишлайди. У ўғлини Республика урология марказига олиб келди. Асрор бир қатор текширувлардан ўтгач, унга буйракларнинг яллиғланиши – нефрит ташхиси билан болалар нефрологининг маслаҳати буюрилди. Бироқ Маҳмуда онанинг кўнгли гаш. У ўғлининг соғлом тенгқурлари қаторига қайтишини истарди. “Излаган имкон топади”, деганларидек, шифо топган беморлардан суриштириб, профессор Жуманазар Бекназаровнинг қабулида бўлди.

– Нима гап экан? – доктор онанинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглади.

– Ўғлимнинг пешоби қизариб кетган. Кўрсатмаган докторимиз қолмади. Сизнинг олдингизга нажот излаб келдим, – Маҳмуда опа профессорга ўтинч билан қаради.

– Нега пешоби қизаради? Сабоби бордир. Бирон ҳодиса юз бермаганмиди?

– Уч ой олдин велосипеддан йиқилган эди. Шундан бери аҳволи ёмонлашиб боряпти.

Домла бир хўрсиниб олдида, текширув хулосаларини синчковлик билан кўриб чиқди ва бола-ни яна бир бор текширувдан ўтказиш кераклигини айтди.

– Яна қандай текширув? – дея онаизор эътироз билдирди.

– Цистоскопия. Қовуқнинг ичини кўз билан кўрадиган асбобда текшириш зарур. Ана шунини аниқласак, ҳаммаси кўнгидагидек бўлади, – хотиржамлик билан жавоб берди домла.

– Ўғлимни даволаб берсангиз бўлди, – деди Маҳмуда опа кўзида ёш билан.

“Онажон, нега йиғлайсиз. Йиғламанг, мен албатта соғайиб кетаман”, дея онасини кучоқлаб дардига малҳам истаётган Асрорнинг нолалари ҳар бир инсоннинг қалбини жунбушга соларди. Онаизор эса бошқа сўз айтишга журъат қила олмай кўзида ёш билан хонадан чиқиб кетди.

Профессорнинг тавсиясига кўра, бемор цистоскопияга тайёрланди. Текширув мураккаб ҳисобланмасда, жарроҳдан катта масъулиятни талаб қиларди. Чунки текширув беморнинг қон сийиши сабабини аниқлаб бериши лозим эди.

Мен эса бундай ҳолатдаги бемор билан илк бора юзма-юз келиб турибман. Цистоскопия жараёнини амалга ошириб келатганимга икки йилдан ошди. Шу вақт мобайнида 100 га яқин беморни текширган бўлсамда, бундай ҳолат биринчиси эди. Ўзимни имтиҳон қилиб, саволларимга жавоб излардим.

Бемор қачон қизил сияди? Қандай ҳолатда? Нима сабабдан? Хаёлимдан бирма-бир касаллик белгиларини ўтказардим:

1. Буйрак-тош касаллиги: белда ва қоринда оғриқ, кўнги ай-наши, тана ҳарорати кўтарилиши, сийишда безовталиқ, ультратовуш ва рентген хулосаларида тошга хос белгилар бўлиши керак. Демак, бу эмас.

2. Гломерелонефрит: умумий пешоб тахлилида оксил, ўзгарган эритроцитлар бўлиши керак. Беморнинг кўриниши бу хасталикка ўхшамайди. Лекин хасталикнинг соғайган (ремиссия) даври бўлиши ҳам мумкин. Демак, гумон бор.

3. Қовуқда ўсма, полип бўлса, қонаб, пешобни қизартиради. Бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ташхисларни бир-бирига солиштириб, қайси бири беморни бу аҳволга солганлигини аниқлаш учун бор билимим ва тажрибамни ишга солиб, мукамал текширув олиб бордим. Бироқ шуниси ҳам борки, доктор ҳар қанча ҳаракатда бўлмасин, бемор сусткашликка йўл қўйса, билингки, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Аксинча, беморнинг руҳий жиҳатдан кучли-лиги, умиди, ишончи докторга янада қувват бағишлайди. Бемор операциядан сўнг соғайиб кетаман, деб ўзини руҳан ишонтира олиши ҳам соғайишга қаратилган биринчи қадам ҳисобланади. Агар бемор шунга ўзини ишонтира олса, унинг организмда касалликдан ҳимоя қилувчи биологик фаол моддалар синтези кучайиб, иммун тизими жадаллашади ва касалликни енгади. Агар бемор: “Мен барибир соғайиб кетмайман...”

дея тушкунликка тушса, ҳаттоки операция қилиб даволаса бўладиган хасталик зўрайиб кетиши мумкин.

Маҳмуда онанинг жигарбанди Асрор эса операциядан сўнг соғайиб кетишига нафақат ўзини, балки онасини ҳам ишонтиришга ҳаракат қилар эди. Асрорнинг ёлғиз, отасиз катта бўлганлиги унинг бу қадар собитқадам, бардошли бўлишига сабабдир балки... Иродаси мустақкам бу боланинг: “Сизлардан илтимос, онаминг олдида укол қилманглар, кўрсалар йиғлайдилар. Операция хонасига кирганимда ухлатинглар. Онам бу ҳолатимни кўрмасинлар”, дея айтган сўзлари менинг ҳам кўзларимни ёшлатди.

Операция столи устида ким ҳам кўрқувга тушмайди, дейсиз. Лекин ҳар ким ҳам шундай кўтаринки сўзларни айтишга ўзида куч топа олмайди.

Асрор операция столига яқинлашаётган чоғида уни бир оз кўрқув босди. “Мухсин ака, оғриқни сезмайман?” деб ўзини тинчлантиришга уриниб, менга савол ҳам бериб кўярди у.

– Ҳозир қўлингга битта укол қилинса ухлайсан. Ҳеч қандай оғриқ бўлмайди. Битта уколга чидасанг бўлди. Ҳаммасидан қутулсанг, – юрагим эзилиб турган бўлсада, унинг дардига малҳам бўлишга уринардим.

– Укол қилаётганларингизда қўлингиздан ушлаб турай. Кўрқиб кетаяпман, Мухсин ака, – титраб-тираб сўзларди Асрор.

– Бўлди, келишдик. Қўлимни маҳкам сиқиб турасан, – унинг мунгли кўзларига қараб, зўрға жилмайишга уринаман. Унга дадил-дадил гапириб, кучли бўлишини тайинлайман. – Бармоқларингни тез-тез ишлатгинда, мушт қилиб тур. Сен ўғил боласанку, ахир.

Асрор ҳўп дегандай бошини қимирлатиб, қўлимни маҳкам сиқиб, икки кўзини юмганича уйқуга кетди. Уша лаҳзада юрагим шу қадар тўлиб кетдики, операция жараёнида бўлмасам, кўнглимни бир бўшатиб олар эдим.

Аммо операция хонасининг эшигига суаниб, соат милларидан кўз узмай фарзандининг эсон-омон чиқишини кутаётган онаизорни ўйласам, қалбимни янада титроқ босарди.

Хуллас, текширув давомида

беморнинг қовуғида бир ярим, икки сантиметрлик полип борлиги аниқланди. Полипнинг оёқчаси бўлиб, шу жойидан кесиб олиб ташланди. Полипни гистологик текширувга юбордик. Чунки кейинги даво чоралари унинг яхши ёки ёмон сифатли эканлигига боғлиқ бўлади. Беморимизнинг дарди сизга тушунарли бўлгандир. Унинг қовуғида полип бўлиб, у гоҳ-гоҳи қонаб туради. Шу сабабли пешоб қизаради. Қовуқ полипи – қовуқ шиллиқ қаватидан чиққан ўсмасимон ҳосилалар. Полип ўлчами катта бўлиб, сийган маҳалида пешоб чиқариш каналига тиқилиб, безовталиқ кузатилади, кичик ўлчамдагиси эса ўзига хос белгиларни намоён қилмайди. Фақат тиббий кўрик вақтида ультратовуш текшируви ёки пешоб қизарганда, яъни полипдан қон кетиш кузатилганда аниқланади. У 90-95 фоиз бўлса яхши сифатли, 5-10 фоизда эса ёмон сифатли ҳисобланади. Операция қилиб олиб ташланса, 100 бемордан 5-10 нафаридан кайталаниши мумкин. Ташхис бевосита УТТ ва цистоскопия хулосаси билан аниқланади.

Тиббиётда ушбу касалликдан даволанишнинг икки хил усули мавжуд: биринчиси, цистоскопик операция усули. Бунда полипнинг ўлчами кичик бўлса, унинг оёқчасидан боғлаб олиб ташланади. Усулнинг афзаллиги бемор териси кесилмайди, яъни чандиқ бўлмайди.

Иккинчиси, очик операция усули. Полип ўлчами катта бўлганда, қовуқ очилиб, асосидан кесиб олиниб, ўрни маҳсус ип билан тикилади.

Дарҳақиқат, бундай мураккаб касалликларни ўз вақтида аниқлаб, чора кўриш соҳа мутахассисларининг билим, тажриба ва ўз устида мукамал ишлашига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Шу билан бирга фарзанди соғлигини ўйлаб, шифокорга ўз вақтида мурожаат қиладиган оналар келажакка муносиб пойдевор қўядилар.

**Мухсинжон АЛИМОВ,**  
**Тошкент шаҳар**  
**2-болалар клиник**  
**шифохонаси вақти.**

## 2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## БУ ДАРГОҲ ОНАЛАРГА БАХТНИ ЙЎРГАКЛАБ БЕРАДИ

**Эшик очилиб, бағрида йўрғакланган боласи, юзида тавбасум билан доя ҳамроҳлигида чиқиб келган аёл истикболга қариндошлар пешвоз чиқди. Фарзандини эсон-омон дунёга келтирган она-ю бу бахтли оналарни орзиқиб кутган оналарнинг шу дамдаги қувончини сўз билан ифода-лаш қийин...**

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах вилояти филиали туғруқхона мажмуасининг чақалоқлар бўлимида бундай қувончли воқеалар ҳар кунини ўнлаб марта қайтарилди.

– Шу туғруқхонада икки набирам соғ-саломат туғилди, – дейди **Жиззах шаҳрининг Навоий номидаги маҳалласида яшовчи Норхол Бектемирова**. – Бугун биринчи фарзанд кўрган иккинчи келинимни олиб кетаяпмиз. Шифокорлар жуда хушмуомала, барака топишсин. Оналар ва фарзандларимиз бахтига шундай шароитларни яратиб

бераётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган филиал оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича вилоятдаги етакчи тиббий муассаса ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган “Бехатар оналик” дастури доирасида янги перинатал технологиялар асосида иш олиб бораётган 170 ўринли муассасада ҳар йили уч мингга яқин чақалоқ соғ-саломат дунёга келмоқда. Даволаш ва профилактика ишларида замонавий тиббий технологиялар қўлланилиши туғруқ жараёнининг бехатар кечи-

шига хизмат қилмоқда.

– Президентимиз раҳнамолигида оналар ва болалар саломатлигини мустақкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида муассасамизда жаҳон тиббиёти ютуқларини қўллаш, замонавий ускуналардан фойдаланиш учун барча имкониятлар яратилган, – дейди **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах вилояти филиали раҳбари ўринбосари Нигора Эшматова**. – Бу ерда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия қилинган замонавий перинатал технологиялар жорий этилган. Самарали перинатал парваршиш, кечиктириб бўлмайдиган акушерлик ёрдами, болалар касалликларини интеграциялаш, кўкракда эмизиш ва чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси усуллари муваффақи-

ятли қўлланилаётган.

Филиалда эришилаётган бундай муваффақиятлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, ЮНИСЕФ томонидан “Болаларни кўкрак сuti билан боқишнинг барча тамойилларини қўлловчи шифохона” деб тан олинди, “Болаларга дўстона муносабатдаги муассаса” номига сазовор бўлган.

Ҳар йили муассасанинг бир неча шифокори мамлакатимиз ва хориждаги йирик илмий марказларда малака ошириб қайтмоқда. Филиал вилоятдаги туғруқхоналар шифокорлари учун ўқув-амалиёт базаси вази фасини ўтайди. Бу ерда шаҳар ва туман тиббиёт муассасалари акушер-гинеколог, умумий амалиёт шифокорлари ва доялари малакасини ошириш мунтазам йўлга қўйилган.

Ўтган йили филиалда “Чақалоқлар бирламчи реанимация-

си”, “Самарали перинатал технологиялар”, “Шошилч акушерлик ёрдами”, “Туғруққа ёрдам берувчи муассасаларда оналар ва болаларга кўрсатилаётган ёрдам сифатини баҳолаш”, “Бемор чақалоқларни парваршиш ва неонатал апаратураларни ишлатишни ўрганиш” каби мавзуларда ўтказилган ўқув-семинарлар иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

...Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли тиббий хизмат сифати юксалиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда юксак самаралар бермоқда. Вилоят аҳли “оналарга бахтни йўрғаклаб берадиган даргоҳ” деб атайдиган ушбу филиал фаолияти бунинг ёрқин тасдиғидир.

**Тошкул БЕКНАЗАРОВ.**

## Бугуннинг мавзуси

## ТАНГАНИНГ ИККИ ТОМОНИ

## ёхуд «ўргимчак тўри»дан ким қандай фойдаланмоқда?

... Даврон сўнги пайтларда қандайдир жаззакчи, паршонхотир, ҳатто уй юмушларию ўқишга ҳам эътиборсиз, лоқайд бўлиб қолди. Ўқишда тенгдошларига ўрнак, уйда ота-онасига кўмакчи бўлган боладаги бундай ўзгаришдан ҳамма ҳайрон. Рустам ака ўғлининг хатти-ҳаракатини қаттиқроқ кузата бошлади. Даврон компьютерга ўтиргани ҳамон фаол ва хушчақчақ бўлиб қолар, гўё бошқа одамга айланарди. Бу ҳолат ота-онани сергаклантирди.

Бугун замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғи ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жадал кириб келмоқда. Энг мураккаб жароҳлик амалиётлари замонавий компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Олисдаги яқинларимиз билан мулоқот қилишда ҳам интернет қулай воситага айланди. Масофавий таълим, онлайн видеоконференция, электрон почта хизмати... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз раҳнамолигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жамиятнинг турли жабҳаларига жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш ва тартибга солишга қаратилган мустаҳкам меъриё-хуқуқий база яратилди. Кўрсатилган хизматлар тури кенгайиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани самарасида юртимизда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони қарийб 15 миллионга етган. Интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилиб, тармоққа уланиш тезлиги 1,5 марта ортди.

Таълим соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг қўлланилаётгани диққатга сазовор. Бу навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Бундан 20-30 йил муқаддам компьютер технологиялари ёрдамида дарс ўтилишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмас, мактабларда атиги битта синф хонаси электрон ҳисоблаш машиналари билан ҳаминқадар жиҳозланган бўлар эди.

Бугун вазият тубдан ўзгарди. Фарзандларимизга таълим бериш жараёнини янада такомиллаштириш ва фанларни қизи-

қарли, мазмунли ўқитиш мақсадида энг сўнги русумдаги компьютерлар, электрон доска ва дарсликлардан фойдаланилмоқда. Ёш авлоднинг техника тараққиёти ютуқлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиши учун барча зарур шароитлар яратилаётди. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

– Хорижий тилларни қизиқарли ўқитиш мақсадида дарс жараёнида компьютер технологияларидан кенг фойдаланамиз, – дейди Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 22-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Гавҳарой Мажидова. – Бунда турли электрон дарсликлар, дастур ва ўқув қўлланмалари қўл келмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари чет тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни сўнги илм-фан ютуқлари билан таништиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Турли интерактив ўйинлар, электрон лўғатлар ва қўлланмалар ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

Компьютер технологиялари ва интернет тармоғи турмушимизда кўп қулайликлар яратиш, жамиятнинг турли соҳаларини тараққий эттиришга хизмат қилиш билан бирга, ундан нотўғри ва мақсадсиз фойдаланиш катта муаммоларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, интернет – бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернет ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак.

Зўравонлик, ваҳшийлик, бузғунчилик, терроризмни тарғиб этадиган, маънавий-ахлоқий қадриятларга зид ахборотлар, экстремистик ғоялар, компьютер

ремистик ғоялар, компьютер ўйинлари, интернет сайтлари ҳали дунёқараш шаклланиб улгурмаган ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Бугун бу каби қабиҳ ниятли кучларнинг ғоявий қуролига айланган сайтлар интернет тармоғида инсоният хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф туғдирмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг интернет ва компьютердан нима мақсадда фойдаланишини сўраб, бир неча болага мурожаат қилдик. Кишини қувонтирадиган жиҳати шундаки, баъзилари тармоқли ўйинларни маъқул кўришини айтган бўлса-да, ақлни чарқлайдиган турли интеллектуал ўйин ва дастурлардан фойдаланиш, тил ўрганиш, мусиқа тинглашни маълум қилганлар кўпчилики ташкил этди. Айрим интернет кафеларида болалар билан боғлиқ манзарани кузатдик. Албатта, тармоқли ўйин ўйнаётган, кино кўраётганлар ҳам бор, лекин фанларга доир маълумотлар қидираётганлар кўплиги кишини хурсанд қилади.

Фарзандининг компьютер ва интернет тармоғидан нима мақсадда фойдаланаётганини ота-оналар қай даражада назорат қилаётгани ҳам муҳим.

– Шахсий компьютердан қандай ва нима мақсадда фойдаланаётганини назорат қилиб бориш учун уларга алоҳида вақт белгилаб берганмиз, – дейди пойтахтимизнинг Сергели туманида истиқомат қилувчи Саодат Хафизова. – Компьютер қаршида белгиланган вақтдан ортиқ ўтиришга рухсат бермаймиз. Интернет кафега кириши тақиқланган. Ҳар бир ота-она фарзанди бўш вақтини қандай ўтказаятганини доим назорат қилиб бориши зарур. Бугунги кунда интернет тармоғи орқали турли экстремистик оқимлар таъсирига тушаётган, боши берк кўчага кириб қолаётган ёшлар ҳам учраб туради. Шундай экан, фарзандларимизни турли ахборот хуружлари, ёт ғоялардан асраб-авайлаш, уларни ниҳол каби парвариллаш ғоят муҳим.

Интернет ва компьютер технологияларининг ривожланиши туфайли "виртуал олам", "кибермакон", "кибержиноятчилик", "кибертерроризм", "киберпсихология" каби атама ва тушунарлар пайдо бўлди. Болаларнинг компьютер ўйинлари ва "дунё ўргимчак тўрида"ги ижтимоий

тармоқлардан ҳаддан ташқари фойдаланиши жиддий муаммоларни келтириб чиқараётди. Чунончи, бу ҳолат ёш авлоднинг наинки маънавияти, балки саломатлигига ҳам раҳна солаётгани ташвишланарлидир.

Ёшларнинг виртуал олам таъсирига тушиб қолиши жуда хавфли асоратларни юзага келтиради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, виртуал олам таъсирига тушган инсонларда лоқайдлик, бепарволик, ташқи оламдан узилиш, худбинлик каби ҳолатлар кузатилади. Энг ёмони, бу тоифа инсонларнинг саломатлигига ҳам салбий ўзгаришлар юз беради. Хусусан, асабий ва тажовузкор бўлиб қолади. Компьютер ўйинлари ва интернетдан фойдаланишга ҳаддан ортиқ ружу қўйиш аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аллақачон ўз исботини топган. Ўтган йили хорижий давлатлардан бирида мактаб ўқувчиси компьютер ўйнаётган пайтда вафот этгани ҳақида кўп ёзилди. У оёғидаги жароҳати боис 22 кун мобайнида компьютер ўйнаган, ҳатто уйқуни ҳам қизганган. Виртуал оламга шўнгиб кетиши оқибатида шифокор кўригига ҳам бормаган. Ачинарлиси, ота-она бу ҳолатга эътибор бермаган, уларнинг назарида "ҳаммаси жойида" бўлган. Маълум бўлишича, ўсмир қарийб 2 минг соат давомида компьютер ўйинларини ўйнаган экан.

Виртуал оламнинг инсон психологиясига таъсири хусусида гап кетганда, Вельд синдроми эса олиш ўринли. Ушбу атаманинг пайдо бўлиши америкалик ёзувчи Рэй Брэдберининг "Вельд" номли фантастик ҳикояси билан боғлиқ. Унда компьютерлаштирилган уйда истиқомат қиладиган оила ҳақида ҳикоя қилинади. Уйда виртуал реалликка эга болалар хонаси ҳам мавжуд. Болалар тез-тез ўйнайдиган бу хонада ов қиладиган шерлар тўдасида бўлиш эффекти юзага келади. Хона болалар руҳиятидаги телепатик эманацияни сезади ва уларнинг истагини амалга оширади. Яъни, шер ҳақида ўйласа бўлди, шу заҳоти у пайдо бўлади. Хонадан доим кўрқинчли шовқин-сурон эшитилиб турганидан фарзандларга бу ўйин тақиқлаб қўйилади. Болалар ота-онасини хонага алдаб олиб киради ва улар ҳам ўйин асирга айланади. Даҳшатга тушган ота-она электр токини

узиб қўйишни ёлвориб сўрайди, аммо бундан наф чиқмайди. Шерлар тўдаси аллақачон овни бошлаб юборганди. Ота-она ўйин фожиа билан яқунлаши кеч англайди. Виртуал олам комига тушиб қолган оила сардорлари ҳаёти ўлим билан яқун топади.

Вельд синдроми ва инсон руҳиятига шунга ўхшаш салбий таъсир кўрсатадиган омилларга бепарво қараб бўлмайди. Зўравонлик саҳналари акс этган компьютер ўйинларини соатлаб ўйнайдиган болалар виртуал оламда ҳар қандай тубанлигу разилликни қилишга кўникиб қолади. Виртуалликка тобора сингиб бориш эса реал ва компьютердаги ҳаёт ўртасидаги чегарани бузиб юборишга олиб келади. Дисплейда содир этилган жиноят ва номақбул хатти-ҳаракатга реал ҳаётда ҳам қўл урилиши амалиётда кузатилган.

Усиб келаётган авлод онгида бўшлик пайдо бўлмаслигини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан. Глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган бугунги кунда инсон онгу тафаккури маҳсули бўлмиш компьютер технологиялари ва интернетдан ёвуз мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари дунёнинг барча нуқтасида кузатилмоқда. Бу ҳар бир инсондан огоҳ ва зийрак бўлишни талаб этади. Бинобарин, Президентимиз "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва, аксинча, қаерда хушёрлик ва жонқурлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади.

... Рустам ака фарзандидаги муаммони ўз вақтида бартаф қилишга эришди. Бугун Даврон академик лицейининг иккинчи босқичида аъло баҳоларга ўқимокда. Энг муҳими, компьютердан оқилона фойдаланиш ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш лозимлигини тушуниб етди.

Умид АЛИМОВ.

## Анжуман

## СОҒЛОМ ВА БАХТЛИ ОИЛАЛАР

Пойтахтимизда Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ҳамкорлигида "Оила институтини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С. Отамуродов, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А. Саидов, "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Ҳ. Мамадалиева ва

бошқалар мамлакатимизда соғлом оилани шакллантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислон Каримов томонидан жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган замирида ҳам ана шу мақсадлар мужассам.

Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан оилаларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга қаратилган кўплаб лойи-

ҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ўғил-қизларни оила қуришга тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда ёш авлодни оилани қадрлаш, асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

– Ижтимоий сўров натижаларига кўра, юртдошларимиз аҳиллик, тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирини тушуниш, муҳаббат ва маънавий яқинлик бўлган оилалар бахтли оиладир, деган фикрда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-

даги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси бош мутахассиси Шоҳида Содиқова. – Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, фарзандларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.

"Оила" илмий-амалий маркази ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида ёшларни оилага тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга оид тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқ-

да. "Эрта турмушга чиқишининг салбий оқибатлари", "Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?", "Эрта никоҳ – умр заволи", "Эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда ўтказилаётган семинар, давра суҳбатлари ёшлар маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган.

Анжуманда оилани ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари, оилавий маросимларнинг аҳамияти, бола саломатлиги – оила мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва комил инсон тарбияси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ў.А.

## Конспект врача

ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ РАКА ГОРТАНИ  
И ВОЗМОЖНОСТЬ ПРОФИЛАКТИКИ

**Частота рака гортани составляет в среднем 2% всех злокачественных опухолей. По отношению к раку ЛОР-органов других локализаций, рак гортани составляет 40-60%. Раком гортани заболевают преимущественно мужчины в возрасте от 40 лет и старше. В структуре онкологических заболеваний у мужчин он занимает 5-ое место.**

**Факторы риска**

**Курение.** Большинство больных данного заболевания являются курильщиками. Риск рака гортани и гортаноглотки у курящих людей во много раз превышает, чем у некурящих. Чем больше курит человек, тем выше риск рака.

**Употребление алкоголя.** У людей потребляющих алкоголь в большом количестве, риск рака гортани значительно повышен. В случае сочетания курения и употребления алкоголя этот риск повышается еще более значительно.

**Диета.** Некачественное питание обычно характерно для людей употребляющих алкоголь. Нехватка витаминов группы В, А и ретиноидов может сыграть роль в развитии рака гортани и гортаноглотки.

**Вирус папилломы человека (HPV).** Эти вирусы вызывают бородавки на кистях, стопах и других местах. Некоторые вирусы могут явиться причиной таких бородавок на половых органах. Кроме того, эти вирусы могут в отдельных случаях играть важную роль в развитии рака гортани и гортаноглотки.

**Ослабление иммунной системы.** Рак гортани и гортаноглотки чаще встречается у людей с ослабленной иммунной системой. Это может быть связано с врожденными заболеваниями, СПИДом и применением препаратов, используемых при трансплантации органов.

**Профессиональные вредности.** Контакты с древесной пылью, красками и некоторыми химическими веществами может увеличить риск рака гортани и гортаноглотки.

**Пол.** У мужчин опухоли гортани встречаются в 4-5 раз чаще, чем у женщин. В прошлые годы мужчины больше курили и употребляли спиртные напитки по сравнению с женщинами. В настоящее время ситуация изменилась, и риск рака гортани у женщин увеличивается.

**Возраст.** Эти опухоли редко встречаются в молодом возрасте. Большинство больных раком гортани и гортаноглотки находятся в возрасте 60-70 лет.

**Возможна ли профилактика рака гортани и гортаноглотки?**

У большинства людей этот вид рака можно предотвратить. Это возможно при отказе от курения и употребления алкоголя наряду с соблюдением техники безопасности при работе с канцерогенными веществами.

Неправильное питание и недостаток витаминов могут быть связаны с возникновением рака. Лучше правильно и сбалансировано питаться, чем полагаться на таблетированные витамины. Потребление большого количества фруктов и овощей и снижение потребления мясных и жирных продуктов является залогом хорошего здоровья.

**Предраковые заболевания гортани**

К предраковым заболеваниям высокой частотой озлокачествления (облигатные) относятся: 1) папиллома у взрослых; 2) дискератозы (лейкоплакия, лейкокератоз); 3) пахидермия. С малой степени озлокачествления (факультативные) относятся: 1) контактная фиброма; 2) рубцовый процесс после хроничес-

ких инфекций (туберкулез, сифилис, склерома) и ожогов. Среди патологии гортани могут встречаться опухолеподобные образования (кисты, полипы, интубационные гранулемы), туберкулез, редкие заболевания – ангиома, гемангиома, амилоидоз. Такие больные поступают в клинику с диагнозом «опухоль», для уточнения его необходимо тщательно применить диагностические методы исследования.

Кроме предопухолевых заболеваний, раку гортани часто предшествуют хронические ларингиты и так называемые фонные процессы. Клиническими наблюдениями в сопоставлении с данными экспериментальных исследований показано, что на почве хронического воспалительного процесса чаще возникает рак гортани. Большинство авторов отмечают, что рак, возникший на фоне хронического ларингита, развивается в течение 5-15 лет.

**Выявление рака гортани и гортаноглотки**

У многих больных рак гортани можно обнаружить на ранних стадиях. Опухоли голосовых связок выявляются обычно на ранних стадиях, так как они вызывают осиплость голоса.

**Необходимо обратиться к врачу, если появились следующие жалобы:**

- \* непроходящая боль в горле;
- \* постоянный кашель;
- \* затруднение глотания или боль при глотании;
- \* непроходящая боль в ухе;
- \* затрудненное дыхание;
- \* похудение;
- \* осиплость голоса на протяжении 2 и более недель;
- \* появление припухлости или опухоли на шее.

При подозрении на рак гортани и гортаноглотки больной направляется к специалисту по опухолям области головы и шеи. Гортань и гортаноглотка расположены глубоко, поэтому диагностика представляет определенные трудности. С помощью **специального инструмента**, представляющего собой гибкую тонкую трубку с осветителем и вводимого через нос или рот, тщательно исследуются полость носа, гортань и гортаноглотка. В случае выявления подозрительного очага или опухоли выполняется биопсия (взятие кусочка ткани для исследования).

**Компьютерная томография (КТ)** дает возможность определить размеры опухоли и ее распространение по лимфатическим узлам и окружающим тканям.

**Магнитно-резонансная томография (МРТ)** позволяет более детально, чем компьютерная томография, исследовать структуры тела, особенно головной и спинной мозг.

**Контрастное исследование пищевода с барием** дает возможность получить дополнительную информацию об опухоли. **Биопсия** является единственным методом, дающим возможность с уверенностью судить о наличии рака. Биопсия может заключаться во взятии кусочка ткани или пункции опухоли иглой.

**Лечение рака гортани** гортани чрезвычайно сложная задача и необходимо проводить в специализированном отделении. При лечении рака гортани в настоящее время ставится задача не только излечить больного, но и по возможности сохранить орган со всеми его функциями или полноценно реабилитировать больных после проведенной противоопухолевой терапии т. е. восстановить дыхательную, голосовую и защитную функции этого органа. Планировать лечение должны несколько специалистов – хирург-онколог (ЛОР-онколог), радиолог и химиотерапевт. Лечение может быть дли-

тельным и состоять из различных сочетаний нижеприведенных методов (лучевой, хирургической, химиотерапевтической).

Рассматривая современные принципы лечения рака гортани, следует отметить, что разработка оптимального плана лечения во многом зависит от полноты и достоверности полученной диагностической информации.

Лечение должно быть дифференцированным, так как на ранних стадиях рака гортани можно добиться полного выздоровления не только с помощью лучевого метода, но и путем хирургического вмешательства или их сочетаний. Не следует догматически подходить к выполнению первоначального плана, в зависимости от эффективности этапов лечения необходимо произвести коррекцию первоначального плана.

**При выборе метода лечения больных раком гортани необходимо исходить из следующих основных данных:**

- 1) локализации и распространенности опухолевого поражения;
- 2) формы роста опухоли;
- 3) наличия регионарных и отдаленных метастазов;
- 4) стадии процесса;
- 5) гистологической структуры опухоли;
- 6) радиочувствительности опухоли;
- 7) общего состояния больного и наличия сопутствующих заболеваний.

**Лучевая терапия** широко применяется при лечении больных раком гортани, поскольку в случае его успеха удаётся полностью сохранить гортань со всеми ее функциями, а при наличии остаточной опухоли или при ее рецидиве в резерве остается возможность выполнения хирургического вмешательства в показанном объеме. Лучевая терапия проводится как в лечебном по радикальной программе (70 гр), так и в предоперационном режиме (40-45 гр). Лучевая терапия как самостоятельный метод лечения показана при раке надскладочного и складочного отделов гортани I-II стадии. Использование лучевой терапии при ограниченных поражениях позволяет практически у всех больных полностью сохранить все функции гортани (дыхательную, голосообразование, разделительную), т. е. обеспечивает полноценную реабилитацию.

**Химиотерапия**

Более 10 лет изучаются возможности использования химиотерапии в сочетании с облучением как органосохраняющего лечения рака гортани и как альтернатива хирургическому методу лечения, который пока еще остается стандартным подходом в лечении местнораспространенного рака этой локализации. Целью применения лекарственных препаратов является уменьшение частоты местных рецидивов и метастазов, снижение частоты отдаленного метастазирования и сохранение функции пораженного органа, а следовательно повышение качества жизни больных после проведенного лечения. Лекарственные препараты используют в качестве: а) неoadъювантной химиотерапии с последующим стандартным оперативным лечением или лучевой терапией; б) адъювантной химиотерапии после хирургического или лучевого лечения. В задачу неoadъювантной химиотерапии входит: 1) уменьшение массы опухоли; 2) уничтожение микрометастазов; 3) проведение операции в абластичных условиях. При достаточном уменьшении размеров опухоли на втором этапе производится операция или лучевая терапия. Следует отметить, что использование противоопу-



холевых лекарственных препаратов в лечении злокачественных новообразований гортани позволяет улучшить результаты лечения, снизить частоту отдаленного метастазирования, сохранить пораженный орган.

**Хирургическое лечение**

При раке гортани производят оперативные вмешательства разного объема – от резекций гортани до комбинированных и расширенных ларингэктомий. При этом операция на первичном очаге может сочетаться с футлярно-фасциальным иссечением лимфатических узлов и клетчатки шеи с одной или двух сторон.

**Радикальные оперативные вмешательства на первичном очаге делятся на 3 группы:**

- 1) Различные виды резекции гортани;
- 2) Полное удаление гортани;
- 3) Расширенные и комбинированные операции.

Основными типами резекций гортани, показания к которым устанавливаются в зависимости от локализации и степени распространения опухоли являются боковая, переднебоковая, надскладочная горизонтальная, комбинированные и атипичные, субтотальная резекция, хордэктомия. Тип резекций выбирают в зависимости от локализации и распространенности опухолевого поражения. При опухолевом процессе, соответствующем T1-T2, производят типичные резекции (боковая, переднебоковая или горизонтальная, хордэктомия). **Хордэктомия** (удаление одной голосовой складки) – показана при опухолях I стадии, расположенной в средней трети голосовой складки, не достигающей передней комиссуры и голосового отростка при сохранении подвижности.

**Боковая резекция гортани** – показана при опухолях голосовой складки, распространяющаяся на гортанный желудочек и вестибулярную складку, а также на подскладочный отдел с одной стороны и вызывающее ограничение подвижности голосовой складки. Противопоказания: распространение на надгортанник, комиссуру и черпаловидные хрящи. **Переднебоковая резекция** – показана при опухолях голосовой складки с переходом на переднюю комиссуру и передние отделы стенки гортани противоположной стороны, распространяющаяся на гортанный желудочек и вестибулярную складку, а также на подскладочный отдел и вызывающее ограничение подвижности голосовой складки. Противопоказаниями к выполнению переднебоковой резекции являются распространение опухоли за среднюю линию и поражение второго черпаловидного хряща или значительное распространение на трахею.

**М. МАЛИКОВ,  
О. АБДУРАХИМОВ,  
Ташкентский городской  
онкологический диспансер,  
к.м.н.**

**Хурматли газетхонлар!**

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албат-

та. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида қарантилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рунки остида мутахассислар билан му-

лоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон

рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.



Наврўзни соғинган гунчалар...

## Полезные советы

## УШИБ

– Быстрому заживлению при ушибе помогают медовые аппликации: смочите жидким медом бинт и наложите его на место ушиба.

– Свежие листья мать-и-мачехи ополосните в холодной воде и приложите к больному месту нижней стороной, сверху компрессная бумага и повязка.

## ГИПЕРТОНИЯ

1 ч. ложку травы пастушьей сумки залейте 1 стаканом холодной кипяченой воды, настаивайте 8 часов. Принимайте по 2 ст. ложки 3-4 раза в день.

## УСТАЛОСТЬ

Простой самомассаж пальцев рук не только снимает напряжение в мышцах рук при однообразной работе, но и тонизирует весь организм, устраняет усталость, активизирует деятельность многих внутренних органов, так как на них рефлекторно влияет состояние кистей рук. Один из способов самомассажа такой. Первый прием: зажмите кулаком правой руки большой палец левой руки и начинайте сжимать и разжимать кулак. Таким же образом воздействуйте на остальные пальцы левой руки. Затем левой рукой также массируйте пальцы правой. Второй прием: в этом исходном положении массируйте пальцы круговыми движениями кулака вправо-влево.

Такой самомассаж можно делать и во время утренней гимнастики, и в любое другое удобное для вас время. Применяйте его в состоянии как умственной, так и физической усталости.

ПРОФИЛАКТИКА ОТСЛОЕНИЯ  
СЕТЧАТКИ ГЛАЗА

Людам, чья профессиональная деятельность связана с большой нагрузкой на глаза, для пре-

дотвращения отслоения сетчатки рекомендуется пить такой лечебный отвар. Для его приготовления вам потребуются 5 ст. ложек мелко измельченных молодых иголок ели или сосны, 2-3 ст. ложки измельченных плодов шиповника коричневого, 2 ст. ложки луковой шелухи. Все это сырье залейте 0,7 литра воды, доведите до кипения, держите на слабом огне 10 минут. Оставьте настаиваться на ночь, завернув в теплое. Процедите и пейте в течение дня – 0,5 до 1 литра в сутки. Курс – 2 месяца, после месячного перерыва курс повторите.

## ЗАБОЛЕВАНИЕ СУСТАВОВ

Хорошее средство для лечения больных суставов – компрессы из глины. Сначала согрейте больное место примочками из теплой воды. Глину залейте теплой водой, разомните, сформируйте лепешку и наложите на больное место. Сверху компрессная бумага и шерстяной платок. Компресс держите до остывания. Затем снимите компресс, очистите больное место от глины, протрите его теплой водой. Использованную глину повторно не применяют. Курс лечения – 10 процедур.

КРОВОТЕЧЕНИЕ ИЗ  
НОСА У ДЕТЕЙ

У многих маленьких детей часто возникают носовые кровотечения в жаркую погоду, во время болезни, после сильного плача и в других ситуациях. Это объясняется слабыми сосудами носоглотки. Для их укрепления приготовьте такую лечебную мазь. Высушенные листья крапивы измельчите в порошок и хорошо перемешайте его с вазелином или подсолнечным маслом в пропорции 1:10 (например, 2 г. порошка на 20 г. вазелина или подсолнечного масла). Смазывайте мазью слизистые оболочки носа 2 раза в день.

## ЗЕЛЕНый ЧАЙ



Известно, что зеленый чай – один из лидеров по содержанию антиоксидантов. Для кожи лица необходимо выпивать 3-4 чашки в день, можно с лимоном. Зеленый чай можно применять и наружно в качестве средства от мешков под глазами (с возрастом эта проблема возникает у многих).

Рецепт прост: с утра завариваем два пакетика чая, затем вынимаем их из воды и кладем в холодильник. Охлажденные пакетики прикладываем к глазам на 15 минут. Зеленый чай содержит танин, который стягивает кожу, тем самым удаляя припухлости век и мешки под глазами.

## Болалар спорти

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ  
КЎЗЛАБ

Нукус спорт коллежи ўқувчиси Фотима Турсунмуродова 9 ёшидан буён эркин кураш билан шуғулланади. У икки марта Ўзбекистон чемпионати голиби, қатор халқаро турнирлар совриндори бўлган.



Айни пайтда Таиландда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қизгин тайёргарлик қўраётган Фотима юртимиз шарафини халқаро аренада муносиб ҳимоя қилишни ўзи учун юксақ шараф, деб билади.

ЎЗА фотомухбири

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

## ТВОРОГНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сут маҳсулотлари орасида кальций миқдори айнан творог таркибида кўпдир. Творогда бошқа фойдали озиқ моддалар ҳам учрайдики, бу иммунитетни мустаҳкамлайди.

Творог таркибидаги А витамини организмнинг турли инфекцияларга қарши курашиш қувватини оширади ва моддалар алмашинувини яхшилайдди. Кальциферол эса организмдаги кальций ва фосфорнинг меъёрда бўлишини таъминлайди. Шуниингдек, витамин В2 ҳам творог таркибида бисёр. Хуллас, чиройли қомат, соғлом тиш ҳамда жозибдор сочларнинг сири творогда мужассам. Аммо меъёрдан ортиқ тановул қилинган творог фойда ўрнига зиён бўлишини ҳам унутманг.

## ТВОРОГЛИ ҚАТЛАМА

Керакли маҳсулотлар: хамир учун: 250 гр. ун, ярим чой қошиқ истеъмол сиркаси, туз, 3 стакан илиқ сув, 125 гр. сариёғ.

Начинкаси учун: 400-500 гр. творог, 2-3 та тухум, 2 ош қошиқ асал, 2-3 ош қошиқ шакар, 1 дона лимон.

Юқоридаги маҳсулотлардан хамир қорилади. Тайёр бўлган хамирдан 9 та зувалача ясалади. Улар бир хил шаклда юққа қилиб ёйилади ва бир оз тиндирилади. Начинкаси учун творог, тухум, асал, шакар, таъбга кўра туз, қирғичдан ўтказилган ярим-та лимон аралаштирилади. Қолипга навбати билан сариёғ суртилган хамир, творогли начинка териб чиқилади. Ширинлик ўртача оловда тахминан 1 соатга яқин печда пиширилади. Етилгандан сўнг ширинлик юзасига совуқ сув сепилади ва сочиқ билан ўралади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Азиз Шухратович Азизовга падари бузруквори

Шухрат АЗИЗОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул:  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6598 нусха.  
Буюртма Г-258.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.  
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.